2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 204 (1803), 2026 йил 1 октябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎҚИТУВЧИ – МЕҲР ДАРЁСИ, ЎҚИТУВЧИ – ЭЗГУЛИК БУЛОҒИ, ЎҚИТУВЧИ – МАЪРИФАТ ҚУЁШИ!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни “Янги Ўзбекистон” университетига ташриф буюриб, таълим тизимидаги ютуқлар кўргазмаси билан танишди, ўқитувчи ва мураббийлар билан учрашув ўтказди.





Инсоннинг ҳаётни англаб, тушуниши, муайян касб ёки соҳани эгаллашида муаллимнинг ўрни беқиёс. Одам қайси соҳада муваффақиятга эришмасин, бунда, албатта, устозларнинг ҳиссаси катта.

Ушбу касб эгалари бир муддат эсдан чиққани ҳам бор гап. Яқин-яқингача фаолиятига дахлдор бўлмаган ишларга жалб қилингани ҳам ҳаётий ҳақиқат. Айтайлик, ўқиш бошланган паллада ўқитувчилар синфхоналарда эмас, пахта далаларида юрарди. Ўқувчилар, талабалар бунда уларга ёрдамчи эди. Байрамларни тантанали нишонлаш ҳақида-ку, гап-сўз бўлиши мумкин эмасди.

Бугунги ислоҳотлар ва таълим тизимига қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ барпо этилган “Янги Ўзбекистон” университетида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда иштирок этарканмиз, хаёлдан ана шундай ўйлар ўтди. Ҳозир ўқитувчилар меҳнати чин маънода қадрланмоқда. Ўзлари улуғланиб, ардоқланмоқда.

Аввало, тантанали учрашувнинг айнан “Янги Ўзбекистон” университетида ўтказилганига тўхталсак. Янги Тошкент шаҳрида қад ростлаган янги бинода мамлакатимиз етакчисининг устозлар билан учрашув ўтказиши ҳамда таълим кўргазмаси билан танишиши шунчаки рамзий тадбир эмас, балки давлатнинг таълим сиёсатидаги стратегик йўналишларини ифодаловчи муҳим воқеадир. Бинобарин, “Янги Ўзбекистон” университети мамлакатимиздаги энг замонавий, халқаро дастурлар ва юқори технологияларга асосланган олийгоҳлардан.

Учрашув учун мана шундай замонавий университет танлангани эса давлатнинг бутун таълим тизимини, жумладан, оддий мактабларни ҳам рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва амалий илм-фан билан интеграция қилиш мақсадидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари бу ерга ташрифи давомида университет ўқув ва илмий инфратузилмаси, олийгоҳ ҳудудида мактабгача таълимдан тортиб, олий таълимгача бўлган барча босқични қамраб олган павильонлар кўргазмаси билан танишди.

Юрт келажаги табиий бойликларга эмас, интеллектуал салоҳиятга, инсон капиталига қаратилаётган эътиборга боғлиқлиги бугун кўп такрорланмоқда. Давлатлар ҳам шунга интилмоқда. Бундай замонавий ва юксак мақсадли мамлакатлар орасида эса Ўзбекистон ҳам бор, албатта. Бинобарин, кейинги йилларда кенг кўламли ва аниқ мақсадли ислоҳотлар натижасида юртимиз таълим тизимида бутунлай янгича ҳаракатлар бошланди. Амалий натижаларга эришилди. Ўқитувчи мактабга, ўқувчи ва талаба илмга қайтди. Муаллимнинг қадри ва обрўси юксалди. Бугун янги Ўзбекистон бойлиги парталарда, илғор лабораторияларда, турли йўналишдаги халқаро мусобақаларда бўй кўрсатмоқда. Ҳаётбахш ислоҳотлардан баҳраманд олтин авлод вакиллари эса ҳамма соҳада ўзини намоён этмоқда. Бу ютуқлар замирида умрини ёш авлодга таълим-тарбия беришдек улуғ ишга бағишлаб келаётган устоз ва мураббийлар меҳнати мужассам.

Буни давлатимиз раҳбари ҳам эътироф этиб, “Ўқитувчи — меҳр дарёси, ўқитувчи — эзгулик булоғи, ўқитувчи — маърифат қуёши! Устозлар бугун ёшлар қалбига қадаётган маърифат ва эзгулик уруғининг ҳосилидан эртага бутун жамият баҳраманд бўлади”, дея таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз етакчиси буюк аждодларимиз камолоти ортида ҳам уларга сабоқ берган муаллимлар турганини ёдга олиб, Имом Бухорий, Беруний, Амир Темур ва Алишер Навоий каби сиймоларни етиштирган устозларга “одамийлик боғининг боғбонлари” таърифини берди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Аввало, ўз ҳаётини дунёдаги энг улуғ ва шарафли ишга — ёш авлод тарбиясига бағишлаб келаётган сиздек мўътабар зотларни, юртимиздаги барча педагог ходимларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда Янги Ўзбекистонимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти, қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марраларимиз, қалбимиздаги олижаноб фазилатларнинг безавол манбаларидан бири бу билим-маърифат, тарбия ва маданият эканини янада чуқур ҳис этамиз. Азиз фарзандларимизни айни шу руҳда тарбиялаб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча заҳматкаш муаллимларимизга, устоз-домлаларимизга самимий миннатдорлик билдириб, чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан таъзим қиламиз.

Қадрли юртдошлар!

Боғча ва мактаб остонасига илк бор қадам қўйган ҳар бир бола учун билимлар эшиги, мўъжизалар оламини очадиган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлар тимсолида биз янги шахс, янги авлод тарбиячиларини кўрамиз. Шу йўлда шогирдларига кўз нури, юрак қўрини бериб меҳнат қиладиган, ўз касбига содиқ ва жонкуяр бундай инсонлар, ҳеч шубҳасиз, миллий педагогикамизнинг олтин фондини ташкил этади. Мен Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдеворини айнан мана шундай фидойи устозлар фаолиятида, уларнинг касб маҳорати, қалб саховатида кўраман.

Мактаб келажак боғи бўлса, муаллим шу масканда умид ниҳолларини ўстирадиган моҳир боғбондир. Ўқитувчи — меҳр дарёси, эзгулик булоғи, маърифат қуёшидир. Шу боис, бу масъулиятли соҳа ходимларининг меҳнатини улуғлаш ва қадрлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда эришаётган, ҳавас қилса арзийдиган натижаларимиз орасида таълим йўналишидаги ютуқларимиз биз учун алоҳида қадрли десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки бундан атиги ўн йил олдин ижтимоий ҳаётимизда ғоят оғир, ота-оналарни энг қийнайдиган соҳа — айнан таълим-тарбия соҳаси, энг камситилган касб эгаси эса ўқитувчилар эди. Сизлар билан бирга қаттиқ ишлаб, қанча-қанча муаммоларни ҳал қилдик, олдимизда турган тўсиқ-ғовларни бартараф этдик. Ҳозирги вақтда таълим соҳаси жадал ривожланаётган соҳага, ўқитувчилик эса обрў-эътиборли касбга айланмоқда.

Буни қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 40 минг ўқитувчи 1 минг доллар, уларнинг 1 минг 500 нафари 2 минг доллардан зиёд миқдорда маош олмоқда. Жорий йил янги форматда ўтказилган “Йил ўқитувчиси” танловининг 208 нафар туман ва шаҳар босқичи ғолибларига илк бор 616 миллион сўмдан мукофот берилди. Бундай рағбатлантириш механизмлари келгуси йилда боғча тарбиячилари ва техникум усталари фаолиятига ҳам жорий этилади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ БИЗНЕС ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Қадрли дўстлар!

Сизларни Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркор аёлларининг Хоразм заминида — гўзал Хивада ўтказилаётган тўртинчи бизнес форумининг очилиши билан самимий қутлайман.

Бу ноёб шаҳар асрлар давомида Буюк ипак йўлининг энг муҳим марказларидан бири бўлиб келган. Бу ерда турли маданиятлар бир-бирини бойитган, савдо ва ҳунармандчилик ривожланган, янги ғоя ва технологиялар пайдо бўлган.

Бугун меҳмондўст Хива яна очиқ мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик маконига айланиб бораётгани чуқур рамзий маънога эга.

Азиз дўстлар!

Ўзбек ва беларусь халқларини мустаҳкам дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч ришталари боғлаб туради. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада жадал ривожланиб, янги амалий маъно-мазмун билан бойиди.

Давлатларимиз ўртасида жорий йил 9 июль куни Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларациянинг имзоланиши катта сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Ушбу муҳим ҳужжат ва 2026-2030 йилларда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳамкорлигимизнинг узоқ муддатли йўналишларини белгилаб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Беларусь саноат ва қишлоқ хўжалиги, савдо ва инвестициялар, транспорт ва логистика, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва туризм соҳаларида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

Ўтган йил якуни бўйича ўзаро савдо ҳажми 1 миллиард долларга яқинлашди. Бизнинг умумий вазифамиз — 2030 йилгача бу кўрсаткични икки баробар оширишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун мамлакатларимиз иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирадиган имкониятларидан янада фаол фойдаланиш, саноат кооперациясини ривожлантириш, икки мамлакат ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимдир.

Бу ишларда тадбиркор аёллар фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Улар янги бозорларни муваффақиятли ўзлаштирмоқда, замонавий технологияларни жорий этмоқда, талаб юқори бўлган ишлаб чиқариш ва хизматларни ривожлантирмоқда. Шу боис, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашни биз нафақат муҳим ижтимоий вазифа, балки энг аввало, мамлакатларимизнинг иқтисодий ўсиши, инновацион ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили деб биламиз.

Давоми 2-бетда

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ФИФА ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 сентябрь куни Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) раҳбари Жанни Инфантинони қабул қилди.

Суҳбат аввалида ФИФА Президенти Ўзбекистоннинг футболдаги ютуқлари ҳамда мамлакатимизда спортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган самарали ислоҳотлар натижаларини эътироф этди.

Ўзбекистон ва Озарбайжонда йирик нуфузли спорт тадбири — 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш учрашувнинг асосий мавзуси бўлди.

ФИФА билан футболни оммалаштириш, айниқса, ёшлар орасида ушбу спорт турига қизиқишни янада кучайтиришга қаратилган қўшма дастурларни илгари суриш борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Шерикликни, аввало, футболни ташкил этиш ва бошқариш тизимини трансформация қилиш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда мураббийлар, ҳакамлар, менежерлар, спорт шифокорлари ва техник мутахассисларни халқаро савияда тайёрлаш йўналишларида янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда ФИФАнинг йирик турнирлари ва тадбирларини ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳрида федерациянинг минтақавий ваколатхонасини очиш жараёнини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА



3

Ҳозир 40 минг муаллим 1000 доллардан, яна 1500 нафари 2000 доллардан юқори маош олмоқда. Қолаверса, замонавий методика жорий қилаётган, олимпиада ғолибларини тайёрлаётган устозларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 1 октябрь, 204-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги ўн йилда юртимизда 1 миллион 800 минг ўринли боғча, 1 миллион 500 ўринли мактаблар барпо этганимиз, 10 мингдан зиёд боғча ва мактабни замонавий кўринишга келтирганимиз тарихимизда мисли кўрилмаган натижалардир. Президент, ихтисослашган ва ижод мактаблари каби мутлақо янги намунадаги таълим даргоҳлари пайдо бўлгани, олий ўқув юртлари сони 77 тадан 205 тага ўсиб, улардаги қамров 45 фоизга етгани ҳам албатта катта ижобий ўзгаришдир.

Соҳада хусусий сектор изчил ривожланиб, соғлом рақобат муҳити шаклланмоқда. Энг муҳими, ана шундай шароитда ишлаш, билим ва малакасини ошириш ҳамда намоён этишга қодир бўлган янги педагоглар авлоди майдонга чиқмоқда.

Таълим ислоҳоти йўлидаги бундай улкан ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Табиийки, буларнинг барчаси ўқув-тарбия ишларининг сифати ва самарасини оширишга хизмат қилмоқда. Масалан, 2026 йилда юртимиз ўқувчилари халқаро олимпиадаларда 228 та медални қўлга киритгани, жумладан, мамлакатимизда бўлиб ўтган халқаро кимё ва информатика олимпиадаларида ўғил-қизларимиз юқори ўринларни эгаллагани ғоят қувонарлидир.

Бир неча кун олдин қадимий Самарқанд шаҳрида якунига етган Бутунжаҳон шахмат ҳамда парашахмат олимпиадаларида ғолиб ва совриндор бўлиб, Ватанимиз шуҳратини дунёга тараннум этган азамат ёшларимизнинг том маънода тарихий ютуқларни қўлга киритишида сизларнинг ҳиссангиз беқиёс эканини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бу йил ўқувчилик даврида хорижий тил ва фан сертификатига эга бўлган фарзандларимиз сони 100 минг нафарга етди, 5 мингга яқин мактаб битирувчиси эса олийгоҳларга киришда энг юқори балл тўплади.

Нуфузли PISA рейтингида 15 ёшли ўқувчиларимиз табиий фанларни ўзлаштириш бўйича 32 поғона юқори кўтарилиб, 48-ўринни эгаллагани ҳам эътиборга лойиқ, албатта.

Олийгоҳларимиздаги 185 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтгани, хорижий университетлар билан ҳамкорликда 441 та қўшма таълим дастури йўлга қўйилгани ҳам салмоқли кўрсаткичдир.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз келгуси ўн йилни мамлакатимиз учун миллий юксалиш даври сифатида белгилаб, олдимизга янада улкан мақсадлар қўймоқдамиз.

Миллий юксалишнинг таянч асоси — мактаб, техникум ва олийгоҳлар эканини сиз, азизлар албатта яхши тушунасиз. Шу боис, бу борада биз, аввало, сизларга — муҳтарам устоз ва мураббийларимизга таянамиз. Таълим-тарбия тизими вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда шу йўналишда олдимизда турган долзарб вазифалар ва уларнинг ечимлари ҳақида атрофлича гаплашиб олдик.

Илғор педагогларни рағбатлантириш мақсадида Абдулла Авлоний номидаги давлат мукофотини таъсис этишга қарор қилдик. Ҳеч шубҳасиз, бундай мукофот сизларни янада катта ютуқ ва марраларга илҳомлантиради деб ишонаман.

Фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси ва ғурур туйғусини кучайтириш, уларни тарихимиз ва маданиятимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни энди оилада ҳам, маҳалла, мактаб, техникум ва олийгоҳларда ҳам янгича ташкил этамиз. Бунда ҳозирги ғоят мураккаб замон талабларини қатъий ҳисобга олишимиз зарур. “Ёш авлод тарбияси — бутун жамиятнинг муқаддас бурчи, вазифаси” деган эзгу ғоя ҳар биримизнинг юрагимизда акс садо бериб, кундалик ҳаётимиз мезони, мазмунига айланиши шарт.

Янги Ўзбекистон ёшларини “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деб яшайдиган авлод сифатида камол топтиришнинг беқиёс аҳамиятини яхши тушунадиган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар бой билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингиз билан бу жараёнларда фаол иштирок этасиз деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайман.

Ғоят шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда доимо зафарлар ёр бўлсин, азиз устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ БИЗНЕС ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Ушбу учрашув Ўзбекистон ва Беларусь ишбилармон аёллари ўртасидаги тўғридан тўғри ва очиқ мулоқот олиб бориш анъанасини давом эттиради.

2023 йилдан буён форумлар Минск, Тошкент ва Витебскда муваффақиятли ўтказилди. Уларнинг якунлари бўйича имзоланган битимлар, ўрнатилган ишбилармонлик алоқалари ва шакллантирилган ташаббуслар портфели бундай форматга бўлган эҳтиёжни ишончли тарзда тасдиқлади.

Бугун навбатдаги қадамни қўйиш — муваффақиятли амалга оширилаётган алоҳида лойиҳалардан тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорликка ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим ва замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, бандлигини кенгайтириш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 23,5 триллион сўм ёки қарийб икки миллиард доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Натижада 425 мингдан зиёд хотин-қизлар ишли бўлиб, ўз бизнесини бошлади. Бу кўрсаткичлар замирида даромад манбаи, ўз билим ва қобилиятларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконияти, эртанги кунга ишонч пайдо бўлган одамлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар мужассамдир.

Биз Беларусь раҳбариятининг хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва илмий фаолият, тадбиркорлик ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш борасидаги изчил сиёсатини, шунингдек, мамлакатда 2026 йилнинг “Беларусь аёли йили” деб эълон қилинганини юксак қадрлаймиз. Буларнинг барчаси ушбу соҳадаги мақсад ва ёндашувларимиз яқин эканини яққол тасдиқлайди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш соҳасида икки мамлакатнинг тажрибаси ва салоҳиятидан биргаликда фойдаланиш кўп қиррали Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга янги туртки беради деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Ушбу форумнинг бой дастури саноат кооперацияси ва инвестициялар, агросаноат мажмуаси ва биотехнологиялар, рақамли ечимлар, туризм ва ижтимоий-гуманитар ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини қамраб олган.

“Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ва “Беларусда ишлаб чиқарилган” деган ёрлиқлар остида миллий маҳсулотлар кўргазмалари нафақат ўз ютуқларини намойиш этиш, балки янги ҳамкорлар топиш учун ҳам яхши имкониятдир.

Икки мамлакат ҳукуматлари, парламентлари, ҳудудлари, банклари ва ишбилармон доиралари форум доирасида илгари сурилган истиқболли ғоя ва ташаббусларни рўёбга чиқариши ҳамда эришилган келишувларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлаши лозим.

Янги иш бошлаётган тадбиркор аёлларни ўқитиш, менторлик ва электрон савдони ривожлантириш, рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда маҳсулотларни учинчи мамлакатлар бозорларига олиб чиқиш алоҳида эътиборга лойиқдир.

Форумнинг якуний қарорлари келгусида биргаликда ишлаш учун мустаҳкам асос бўлади деб умид қиламиз.

Ишончим комил, Ўзбекистон ва Беларусь хотин-қизларининг билими, куч-ғайрати ва ишбилармонлик борасидаги фаоллиги бундан буён ҳам давлатларимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Форумнинг барча иштирокчиларига самарали фаолият ва янги ютуқлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎҚИТУВЧИ – МЕҲР ДАРЁСИ, ЎҚИТУВЧИ – ЭЗГУЛИК БУЛОҒИ, ЎҚИТУВЧИ – МАЪРИФАТ ҚУЁШИ!

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, кейинги ўн йиллик ўзгаришлари, туб бурилишлар, ислоҳотлар таълимнинг барча бўғинини қамраб олмоқда. Асосий ва сезиларли ишлар, айниқса, илк бўғин — мактабгача таълимда қамров ва сифат ошгани мисолида кўзга яққол ташланади. Шу даврда 1 миллион 800 минг ўринли боғчалар барпо этилди.

Боғча ёшиданоқ болаларда бошланғич компьютер саводхонлигини шакллантириш учун давлат мактабгача таълим ташкилотлари замонавий компьютер синфлари билан таъминланмоқда. Боғча ва мактаб ўқув дастурлари тизимли равишда янгиланяпти.

Мактабгача таълимда боғчани боланинг қобилияти кашф этиладиган масканга айлантириш борасида илғор хорижий тажриба асосида таълим беришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди. 180 минг тарбиячи ва педагог шу дастур бўйича ўқитилмоқда. Йил якунига қадар у барча боғчада амалиётга татбиқ қилинади.

Шунингдек, ҳар йили 50 нафар илғор тарбиячи хорижда стажировка ўтайди. Барча боғчалар учун 100 та видеоконтент тайёрланади. Уч йиллик дастур асосида давлат боғчалари электрон доска, компьютер ва рангли принтерлар билан жиҳозланади. Келгуси йилдан 2-3 ёшли фарзандини оилавий боғчага берган ишли оналарнинг бадал пули бюджет ҳисобидан қопланади.

Боғча тарбиячиларига ишлаб туриб олий маълумот олиш имкони яратилгани эса юртимизда аёлларга берилаётган эътибор, уларнинг муносиб турмуш кечириши йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг яна бир намунасидир. Натижада жорий йилда уларнинг 7000 нафари олийгоҳларга ўқишга кирди.

Келгуси ўқув йилидан тарбиячилар учун педагогика олийгоҳларидаги ўқиш муддати тўрт йилдан уч йилга қисқаради. Бу имкониятдан боғчада камида беш йил ишлаган тарбиячи ёрдамчилари ҳам фойдалана олади.

Мамлакатимизда 1,5 миллион ўринли мактаблар барпо этилди. Халқаро тизим ва янги баҳолаш мезонлари 12 йиллик таълим тизимига ўтказилди. Республикамизда 6 ёшли болалар учун бир йиллик мактабга тайёрлов йўлга қўйилди. Мактабларда дарс бериш учун хориждан педагоглар жалб этилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва хусусий таълим муассасалари фаолияти фарзандларимизнинг янада билимли бўлиб улғайишида айни муддао бўлмоқда.

Мактабларда муҳандислик дастурларига катта эътибор қаратилаётгани ҳам диққатга сазовор. Янги авлод муҳандисларини тайёрлаш мақсадида махсус муҳандислик мактаблари ташкил этилган. Уларда STEM дастурлари асосида ўқитиш йўлга қўйилгани юқори синф ўқувчиларини олий таълимга йўналтиришда қўл келмоқда. Мактаб пайтидаёқ хорижий тил ва фан сертификатига эга ўқувчилар сони 100 мингга етгани, ушбу кўрсаткич 2,5 баробар кўпайгани, бу йил қарийб 5000 битирувчи олийгоҳга киришда энг юқори балл тўплагани ана шу ислоҳотлар мевасидир.

Бундан ташқари, PISA рейтингида 15 ёшли ўқувчилар табиий фанлар бўйича 32 поғона юқорилаб, дунёда 48-ўринни эгаллади. Жорий йилнинг ўзида истеъдодли ёшлар нуфузли олимпиадаларда 38 олтин, 82 кумуш ва 108 бронза медални қўлга киритди. Ўзбекистон илк бор мезбонлик қилган халқаро кимё ва информатика олимпиадаларида ўқувчиларимиз яна 8 та медалга сазовор бўлди.

Мактабларни тоза ичимлик сув ва замонавий санитария шароитлари билан таъминлаш, чекка ҳудудлардаги ўқувчилар учун бепул мактаб автобусларини йўлга қўйиш каби ижтимоий лойиҳалар фаол амалга оширилмоқда.

— Замон ўзгаряпти. Болаларнинг қизиқиши, дунёқараши, ахборот олиш хусусияти ҳам ўзгаряпти. Кеча самара берган дарс усули бугун етарли бўлмаслиги мумкин. Шу сабаб муаллим мунтазам ўқиши ва ўз устида ишлаши зарур, — деди Президентимиз.

Энди педагоглар учун пойтахт ёки вилоят марказига бориб, бир ойлик курсда мажбурий ўқиш талаби бекор қилинади. Унинг ўрнига касбий ривожланиш ваучерлари жорий этилади. Муаллим тоифа синовидаги натижасига қараб, 18 соатдан 72 соатгача таълим олиш имконига эга бўлади. Курсни ва малака ошириш жойини ўзи танлайди. Бу ўзгариш малака оширишни расмиятчиликдан амалий эҳтиёжга айлантиришга хизмат қилиши керак.

Жорий йил 1-синфга 800 минг бола қабул қилинди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 10 фоиз кўп. 2030 йилга бориб эса уларнинг сони 1 миллионга етиши кутилмоқда. Ҳар йили инвестиция дастурлари ҳисобидан 180-200 минг ўқувчи ўрни очилмоқда.

Учрашувда ўқув юкламаси юқори бўлган 52 та туманда хусусий мактаблар очишни қўллаб-қувватлашнинг янги молиявий механизмлари эълон қилинди. Ушбу ҳудудларда мактаб ташкил этиш учун 7 йиллик 10 фоизли имтиёзли кредит, очиш ва жиҳозлаш харажатининг 15 фоизигача, кўпи билан 1,5 миллиард сўм субсидия берилади. Биносини мактабга ижарага берганлар ер ва мулк солиғидан имтиёз олади.

Барча туманда бўш давлат бинолари хусусий мактаб очиш учун 10 йилга бепул ижарага берилади. Халқаро аккредитациядан ўтиш харажатининг ярми қопланади. Фарзанди хусусий мактабда ўқийдиган ота-оналар учун солиқ олинмайдиган даромад чегараси 3 миллиондан 6 миллион сўмга оширилади. Бу оилаларга йилига 6-7 миллион сўм тежаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари яқинда Тошкент шаҳрида кўп функционал инклюзив ресурс мактаби иш бошлаганини айтди. У ерда кўриш, эшитиш ёки ҳаракатланишида нуқсони бўлган, шунингдек, руҳий ривожланишда қўшимча ёрдамга муҳтож болалар соғлом тенгдошлари билан бир муҳитда ўқиб, тарбия олади. Йил охиригача бундай мактаблар Хоразм, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида, келгуси икки йилда эса республикамизнинг барча ҳудудида очилади.



Янги форматда ўтказилган “Йил ўқитувчиси” танловининг 208 нафар туман ва шаҳар ғолибига илк бор 616 миллион сўмдан мукофот берилди. Президентимиз бундай эътироф янада кўп муаллимни юксак марраларга интилишга ундашини таъкидлади.

Айниқса, мазкур танлов келаси йилдан 14 та ҳудуддаги боғча тарбиячилари ва техникум усталари ўртасида ҳам ўтказилиши, ғолиблар муносиб мукофотланиши таълим соҳаси вакиллари ўртасида соғлом рақобат муҳитини кучайтириши шубҳасиз.

Ёшларни касбга йўналтириш бугуннинг энг устувор ва долзарб вазифаларидан. Шу боис, сўнгги пайтларда ушбу йўналишдаги ишлар ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Охирги икки йилда 104 та техникумга Германия, Буюк Британия, Швейцария ва Хитойнинг халқаро дастурлари олиб кирилди. 25 минг корхона билан ҳамкорлик натижасида 100 мингдан зиёд ёш ўқиш баробарида, даромад топиш имконига эга бўлди.

Шу йилдан дуал таълимда касб ўрганаётган ёшларга 1 миллион 300 минг сўмгача стипендия тўланмоқда. Бу йил 9-синфни битирган 220 минг ўқувчи техникумга жалб қилинди.

Халқаро дастурлар бундан кейин ҳам босқичма-босқич барча техникумда жорий этилади. Бунинг учун усталарни тайёрлаш ва рағбатлантириш механизми ҳам кучайтирилади. Хусусан, келгуси йилдан халқаро касб сертификатига эга устага 50 фоиз устама тўланиб, сертификат харажати тўлиқ қопланади. Ҳар йили техникумларнинг 500 устаси Германия, Швейцария, Туркия ва Хитойда стажировка ўтайди.

“Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” касб танлови эса ушбу йўналишда самара кўрсатди. Илк бор ўтказилган танловда 170 минг ўқувчи иштирок этди ва ғолибларни тайёрлаган 120 устага 40 миллион сўмгача пул мукофоти берилди. Энди мазкур танлов ҳар йили ташкил этилади. Ғолиблар эса 2028 йили Токиодаги касблар бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёрланади.

Шу билан бирга, бундан буён минтақавий ва халқаро касб танлови ғолибини тайёрлаган устага 100 миллион сўм, жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақа ғолибини тайёрлаган устозга эса 200 миллион сўм мукофот берилади.

Хусусий техникум ташкил этадиган тадбиркорлар солиқ имтиёзи ва ер нархидан чегирмага эга бўлади. Келгуси ўқув йилидан саноат, сервис ва инфратузилма каби муҳим соҳаларга кадр тайёрлайдиган хусусий техникум ўқувчиларининг 50 фоизига давлат гранти ажратилади.

Олий таълимдаги ўзгаришлар кўлами ҳам анча кенг. Хусусан, қабул квоталарининг кўпайиши ва хусусий секторга катта эътибор қаратилиши туфайли бугун талабалар сони 1 миллион 600 мингга етди. Еттита олийгоҳ 17 та фан бўйича нуфузли халқаро рейтингларга кирди. Рақобат ошиб, таълим жараёни замонавийлашди.

Энди олийгоҳлар халқаро тан олинадиган, илғор стандартларга асосланган миллий таълим дастурларини ишлаб чиқишга ўтади. Бундай тажриба ёшларга халқаро талабга жавоб берадиган билим, малака беради. Мақсад хорижий стандартларни миллий таълим мазмуни билан уйғунлаштириб, талабани жаҳонда тан олинадиган андозага мувофиқ тайёрлашдир.

Қолаверса, келгуси йилдан “корхона — олийгоҳ — мақсадли кадр” тизими 75 та олий таълим муассасасида, 2028 йилдан барча олийгоҳда амал қила бошлайди. Бунда иш берувчи ўзига керакли номзодни ўқитиш бўйича олийгоҳга буюртма беради. Номзод тестсиз, суҳбат асосида ишга қабул қилинади.

Корхона томонидан бириктирилган устозга олийгоҳ педагоглар ойлигига тенг миқдорда қўшимча ҳақ тўлайди. Корхона олийгоҳ ёки талаба яшайдиган жойдан узоқ бўлса, ижара харажати қопланади. Ўқиш ва ишда яхши натижа кўрсатган талабалар иккинчи курсдан давлат грантига ўтади.

Катта авлод вакиллари яхши эслайди: мустақиллигимизнинг илк йилларида моддий таъминот билан боғлиқ муаммолар, таълимдан ташқари ишларга жалб этилиши натижасида мактабларда ўқитувчи танқислиги кузатилди. Айниқса, эркак ўқитувчилар оиласини боқиш учун бозорларга чиқиб кетди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи қадрсизланди.

Янги Ўзбекистон шароитида кўрилган самарали чоралар натижасида соҳага кўплаб малакали педагоглар кириб келди. Охирги беш йилда халқаро ва миллий сертификатга эга ўқитувчилар сони 29 мингдан 143 мингга етгани, пировардида мактабларда ўқитувчи етишмаслиги уч баробар камайгани ҳам фикримиз далилидир.

Ҳозир 40 минг муаллим 1000 доллардан, яна 1500 нафари 2000 доллардан юқори маош олмоқда. Қолаверса, замонавий методика жорий қилаётган, олимпиада ғолибларини тайёрлаётган устозларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Бунга мисол қидириб узоққа бориш шарт эмас. Зеро, Самарқандда олимпиада чемпиони бўлган шахматчиларимиз мураббийларига шу ҳафта 50 минг доллардан пул мукофоти берилди.

Президентимиз маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Мактаб — тараққиётнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозаси” деган сўзларини ёдга олди. Ўғил-қизларимиз учун бу дарвозани янада кенг очиш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш Учинчи Ренессанс ғоясининг ўзагидир.

Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар ривожланган ҳозирги даврда мактаб битирувчиси катта ҳаётга тил ва касбни эгалламай чиқолмайди. Акс ҳолда, ўз ўрнини тополмай қийналади. Шу боис, Президентимиз болани мактабдан касб ва тил ўргатмай чиқариш унинг келажагига бепарволик эмасми дея савол қўяр экан, директорлар ўқувчилар қайси тил ва касбни ўрганаётгани, битирганда қандай ҳунарга эга бўлиши ҳақида жиддий ўйлаши зарурлигини қайд этди.

Иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш давр талаби, рақобатда ютишнинг асосий шарти. Бунинг учун эса ўқувчилар математика, физика, кимё ва биологияни мактабданоқ чуқур ўзлаштириши зарур. Шу мақсадда синфда 25 нафардан ортиқ ўқувчи бўлса, ушбу фанлар икки гуруҳга бўлиб ўқитилади.

Фундаментал фанлар ўқитувчилари учун рағбатнинг янги тизими жорий этилиши, хусусан, миллий сертификатга эга педагогларга 50 фоиз устама тўланиши, ҳар йили 208 та туман ва шаҳарнинг лидер ўқитувчиларига 30 миллион сўмдан мукофот берилиши, шунингдек, 1000 нафар ўқитувчи хорижга стажировка ўташ учун юборилиши ҳам таълим сифатини ошириш нуқтаи назаридан учрашувда илгари сурилган муҳим янгиликлардан бўлди.

Бундан ташқари, камида 15 йиллик стажга эга педагогларнинг фарзандларига олийгоҳ контракти учун фоизсиз кредит ажратилади. Хорижий ва миллий сертификат олган муаллимларнинг имтиҳон харажати тўлиқ қопланади. Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Менделеев номидаги халқаро ва минтақавий олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган педагоглар тўғридан тўғри олий тоифа олади. Президентимиз ушбу ташаббуслар қарийб 100 минг ўқитувчига муносиб рағбат бўлишига ишонч билдирди.

Учрашувда дунёда билим яратиш, ахборот тарқатиш ва меҳнат қилиш усуллари шиддат билан ўзгараётгани қайд этилди. Дунё шиддат билан ривожланиб борар экан, янгидан янги ихтиролар, дастурлар яратилаверади.

Президентимиз тантанали учрашув иштирокчиларига таълим ва илм-фан фидойиларининг бир гуруҳини давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонни имзолаганини маълум қилди. Улар орасида педагоглар билан бирга таълим ривожига ҳисса қўшаётган тадбиркорлар ва хорижлик ҳамкорлар ҳам бор. Учрашувда мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янги Ўзбекистон ёшларини “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деб яшайдиган авлод сифатида камол топтиришнинг беқиёс аҳамиятини яхши тушунадиган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар бой билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингиз билан бу жараёнларда фаол иштирок этасиз деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти









ШОГИРДЛАР ЮТУҒИ – МЕН УЧУН КАТТА БАХТ



Азимбой САФАРБОЕВ,
Амударё туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони соҳиби

Бугун мен чексиз ҳаяжон билан яна бир карра ўқитувчилик йўлини танлаб хато қилмаганимни англаб турибман. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси бўлишдек улкан шарафга, неча йиллик орзумга етганим худди тушдек туюлаётгани ҳам чин. Ахир бундай эътирофга эришишни тасаввур ҳам қилмагандим-да. Бу эътиборга муносиб кўрилганимни нафақат шахсий меҳнатимга берилган юксак баҳо, балки бутун умрини миллат келажаги, ёш авлод таълими ва тарбиясига бағишлаган минглаб фидойи устозларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламан.

Қорақалпоғистондаги қайси мактабга борманг, математика ўқитувчилари орасида, албатта, шогирдларим бор. Аслида, мана шунинг ўзи бир бахт, катта мукофот. Айни кунда олий маълумотли мутахассис бўлган шогирдларим сони 2000 нафардан ошди. Улар орасида 600 га яқини математика, физика ўқитувчиси. Мактабимизда меҳнат қилаётган 10 та математика ўқитувчисининг ҳам 6 нафари шогирдим. Уларнинг бўйлари бўйимдан ўтиб, мен билан баробар, бир сафда ишлаб келаётганидан ғурурланаман.

Мактабимиздаги 10-11-вариатив синфларга математикадан сабоқ бераман. Битирувчиларимиз 8 йилдан буён ҳар йили 100 фоизли натижа билан олий таълимга қабул қилинаётгани кўксимни фахрга тўлдиради. Жорий йил ҳам бу борада 100 фоизли натижага эришдик. 25 ўқувчимизнинг барчаси талаба бўлди.

Аслида, бу бир ўқитувчи шундоқ ҳам қилиш керак бўлган иш, ёш авлод олдидаги бурч. Бироқ ўз вазифам доирасидаги меҳнатларим ҳам юқори баҳоланиб, юксак унвонга муносиб кўрилганимдан бошим кўкка етди. Устозлар байрами арафасида “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси” унвонига сазовор бўлиш ҳаётимдаги энг катта байрам совғаси бўлди. Бу унвон нафақат менга, балки мактабим жамоасига, бутун қорақалпоғистонлик ҳамкасбларимга берилган мукофотдир. Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини касб байрамлари билан самимий қутлайман.

Бугун юртимизда таълим соҳасига, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатига бўлаётган жиддий эътибор, педагог шаъни ва мақомини юксалтиришга қаратилган эзгу ислоҳотлар биз, устозларга янада катта куч ва илҳом бағишламоқда. Бундай қараш ҳар бир педагогдан ўз касбига садоқат, изланиш ва фидойиликни талаб этади. Шундай экан, кўксимга тақилган унвонни ҳам зиммамдаги масъулиятнинг ошиши деб биламан. У менга янада долзарб вазифаларни, катта мақсадларни юклайди. Бундай улуғвор номга муносиб бўлиш учун бундан кейин ҳам бор билим ва тажрибамни, бутун куч ва ғайратимни ёш авлод таълими ва тарбиясига бағишлайман. Зеро, мен учун энг катта бахт — шогирдларим ютуқлари. Уларнинг илмли, маърифатли, Ватанга садоқатли инсон бўлиб камол топганини кўриш ҳар қандай мукофотдан улуғроқдир.





Ишонаманки, бугун юртимиз мактабларида дарс бераётган ҳар бир устознинг қалбида битта буюк мақсад бор: билимли, юксак маънавиятли, эртанги кунга ишонч билан қадам қўядиган авлодни тарбиялаш. Зеро, устознинг энг буюк мероси — унинг шогирдлари, энг улуғ мақсади — Ватанининг порлоқ келажаги.

ЎН БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИМ ҚАНОТ ЁЗДИ

Оиламизда барчамиз ўқитувчимиз. Бу фаолиятимиз юзасидан ўзаро суҳбат қуриш, таълимдаги ислоҳотлар борасида фикр алмашишимизда жуда қўл келади. Айниқса, биз, ўқитувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, кучли эътибордан жуда хурсандмиз. Хусусан, бу йил илк бор янгича шаклда ўтказилган “Йил ўқитувчиси” танловидан бошимиз осмонга етди. Ғолиблар тақдирланди.

Айни пайтда уларнинг барчаси ўз касби сабаб қанчалар бахтли эканини ҳис қилиш қийин эмас. Энг қувонарлиси шуки, энди ёш авлод орасида ҳам ўқитувчиликка қизиқиш, тўғрироғи, интилиш кескин ортади. Чунончи, бундан 10 йиллар аввал ҳам ёшларда бу касбга қизиқиш сўниб, айниқса, йигитларнинг ҳафсаласи пир бўлганди. Ўша кезлар мактабларда ўқитувчининг маоши камлигидан эркак ўқитувчилар бошқа соҳаларга ўтиб кетгани сир эмас.

Бугун эса эркак ўқитувчилар яна мактабларга қайтиб, аксарияти юқори маош билан рўзғор тебратяпти. Танловларда ҳам уларнинг улуши ортиб бораётганини кўриб хурсанд бўламиз.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар билан учрашувда ўқитувчилар учун яна кўплаб танловлар, мукофотлар жорий этилишини айтди. Энди 4-синф ўқувчилари ўртасида ҳам фан олимпиадалари ўтказилиши, туман босқичи ғолиблари компьютер билан тақдирланишини ўқувчиларимга ҳаяжон билан айтиб бердим. Биз, устозларга эса натижага қараб 10 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача пул мукофоти бериладиган тизим яратиляпти. Албатта, бу катта имконият. Яхши ният қилган, астойдил интилган устоз меҳнатининг самарасини кўряпти. Ўқитувчига ҳам уй-жой бериладиган давр келганини амалда исботлаяпти. Ёш, ғайратли устозлар кечанинг ўзиданоқ ҳаракатга тушгани аниқ.

Олдимга кўплаб ёш ўқитувчилар маслаҳат сўраб келади. Уларга биринчи ўринда болаларга меҳр бериши кераклигини айтаман. Ютуқларга йўл касбга, болага меҳрда деб биламан. Меҳр берсангизгина сизга ҳам меҳр кўрсатилади, қадрланасиз.

Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, ўқитувчилик деганда, аввало, шинам ва озода синфхона, парталарни тўлдириб ўтирган болалар ва уларга меҳр билан бор билимини беришга уринаётган устозни тушуниб етдим. Ўқитувчи шундай муҳит яратиши керакки, болалар мактабга хурсанд ҳолда келиб, хурсанд ҳолда кетсин. Шунингдек, устоз ҳар бир боланинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаши керак.

Фаолиятимда шахсият масаласига жиддий эътибор бераман. Ҳар бир боланинг ўзига хос ютуғини кўрсатиб, қўлимдан келганича рағбатлантиришга ҳаракат қиламан. Ўттиз икки ўқувчим бор. Ҳаммасининг ота-оналари билан ҳар куни боғланаман ва ҳар кунги ҳолат ҳақида ҳисобот бераман. Ўзлаштириши паст болалар билан алоҳида шуғулланаман. Уларни ҳам яхши ўқийдиган ўқувчилар қаторига қўшгим келади. Бунинг учун вақтимни, кучимни аямайман. Дарс беришга доир қандай янгилик бўлса, албатта, қўллаб кўраман. Шунинг учунми, ўқувчиларимнинг билим самарадорлиги юқори ва бу кўрсаткични доимо сақлаб қолишга ҳаракат қиламан.



Раҳима ҲАКИМОВА,
Наманган шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони соҳиби

Айни пайтда ўн биринчи қалдирғочларимни ўқитяпман. Ўнта бошланғич синфимни юқори синфга кузатганман. Бугун уларнинг аксарияти турли касбларда ишлаб юрибди. Қувонарлиси, ҳозиргача хабар олиб туришади. Мендан миннатдор эканини айтганларида, бир олам қувончга тўламан. Уларга ўқувчилик пайтида уқтирганимдек, қаерда ишламасин, аввало, масъулиятли бўлиши кераклигини тайинлайман. Чунки масъулиятли инсон яхши, ишончли оқлайдиган ходим бўла олади. Ҳамма ютуқнинг калити масъулият, тартибда деб биламан.

Менга катта ишонч ва умид билан берилган унвонни эса кўплаб фидойи, жонкуяр ўқитувчиларнинг унвони деб қабул қиламан. Чунки бундай устозларнинг барчаси юксак унвонга, мукофотларга муносиб.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРИ ДЕГАН МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ДАРС ЎТЯПМИЗ

Ўқитувчилик оддий касб эмас. У масъулият, ҳозиржавоблик, жонбозлик, фидойиликни талаб қилади. Шу боис, муаллим меҳнати игна билан қудуқ қазишга қиёсланади. Нигоҳи ҳайратга тўла, мактабга бир оз ҳаяжон, ҳадик билан қадам қўйган болакайнинг кўнглига йўл топиш, уни билим олишга қизиқтириб, жамиятда ўз ўрни, мустақил фикри ва дунёқарашига эга шахс этиб камолга етказишгача бўлган йўл нақадар оғир, машаққатли эканини соҳага дахлдор инсонлар жуда яхши билади.

Саодат ҒОФУРОВА,
Марғилон шаҳридаги 29-мактаб ўқитувчиси, I даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби

Шу шарафли касбга меҳр қўйиб, Марғилон шаҳридаги 29-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаётганимга 43 йил тўлди. Бу йиллар силсиласида кўплаб талатўпларни бошдан ўтказдик. Марғилон шаҳрида яшаб, меҳнат қилсак-да, ҳашарчилар қатори эрта баҳордан кеч кузга қадар қўшни тумандаги дала юмушларига жалб этилардик. Ёмғирли, изғирин кунларда пахта пайкалларида кун кечирганимиз кечагидек ёдимда. Мисқоллаб ишлаб топган маошимизни олиш учун банкда навбат кутардик. Бу кунлар ортда қолгани рост бўлсин.

Президентимиз ташаббуси билан ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга қаратилган катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Педагог соҳанинг қайси бўғинида хизмат қилмасин, миллат болаларини тарбиялайди, ўқитади. Уларга касб-ҳунар ўргатади, кўникма ва малакасини, маънавияти, маърифатини оширишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида ўқитувчи ва мураббийлар Учинчи Ренессанс бунёдкорлари, маърифат, маънавият боғбонлари эканини бот-бот таъкидлайди. Бу бизга куч, ишимизни янада меҳр билан бажаришга шижоат беради. Айни дамда шундай юксак мақомга муносиб бўлиш масъулиятини ҳам теран ҳис этамиз.

Бугунги ўқитувчи том маънода касбининг фидойиси бўлиши учун барча имконият яратиб берилган. Муаллимларнинг билими ва маҳорати шаффоф баҳоланиб, ойлик маоши босқичма-босқич оширилмоқда. Педагогларнинг фарзандлари олий таълимда ўқиганда 30 фоиз чегирма ва бошқа имтиёзлар берилмоқда. Ёшлар таълим-тарбияси йўлида меҳнат қилиб, элда ҳурмат, эътибор топдим. 2018 йили “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирландим. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан эсдалик нишонга муносиб кўрилдим. Мана, 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Президентимиз I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотлади. Узоқ-яқиндан келаётган қутловларнинг охири йўқ. Хушхабарни эшитиб, кўзимга қувонч ёши келди. Ахир бу ўқитувчи меҳнатига берилган юксак баҳо, эътибор!

Ҳозир илк сабоқни мендан олган ўқувчиларим турли соҳаларда хизмат қиляпти. Улар мактабга келиб: “Устоз, сиз берган таълим-тарбия туфайли шу даражага эришяпмиз”, деганида кўнглим фахр-ифтихорга тўлади, чарчоқларни унутаман. Бугунги ёшлар қизикувчан, билимга чанқоқ. Шу боис, ҳар бир машғулотни эсда қоларли, янги педагогик технология, амалий кўргазмалар асосида ўтишга ҳаракат қиламан. Ҳар бир рақам, ҳар бир ҳарфни “гапиртириб”, дарсни эртак тарзида ўтаман. Жараёнда ўқувчиларим ҳам фаол иштирок этади. Уларнинг дарсларни ўзлаштиришини кузатиб, янги Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини кўргандай бўламан.

ДОРИЛАМОН КУНЛАР САОДАТИ

Ниёзмуҳаммад муаллим кундалик одатига кўра, эрталабдан ишга бориш ҳаракатини бошлади. Чиройли, дазмолланган кийимларини кийиб, бўйинбоғ тақди. Кўзгу олдига келиб, аллақачон қиров тушган сочларига қаради. Бир оз вақтдан сўнг биринчи соат дарси борлиги ёдига тушиб, шошилди. Қўлига қадрдон папкасини олиб, ичига яна бир бор назар солди. Барчаси жойида. Дарсни яхши ўтиш, болаларни зериктириб қўймаслик учун йўл-йўлакай мавзуни такрорлаб борди.

Мактаб дарвозасига яқинлашган муаллим ҳайратланиб атрофга боқди. Кириш жойининг икки томонида турли русумдаги машиналар жой олганди. Бирма-бир санаб чиқди, 21 та! Буниси Анварники, буниси Азизники... Иккита янги машина кимга тегишли эканини билмади. Хуллас, буларнинг бари шу мактаб ўқитувчиларига тегишли. Эътибор қилмас экан, касбдошларининг аксари янги уловда юраркан. Ҳисоблаб кўрса, шу даргоҳда ишловчиларнинг деярли эллик фоизида енгил машина бор. “Муаллимлар ҳам машина минадиган вақт келибди-ку”, деб қўйди ўзига ўзи: “шу кунларга етказганингга шукр”.

Мактаб остонасига қадам ташларкан, илк бор ўқитувчи бўлиб ишга келган йиллари ёдига тушди. Эҳ-е, у вақтларни эсласа, юраги орқага тортади. Ўшанда 1982 йил кузи эди. Олийгоҳни битириб, қишлоғига қайтган ёшгина Ниёзмуҳаммад Панжиев қучоғида бир олам орзулар билан мактабга ишга кирди. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлгани боис, ижодга, айниқса, шеъриятга қизиқиши юқори эди. Ўзича, бошқалардан ўзгача тарзда дарс ўтиш, намунали бўлишга интиларди. Афсуски, бу иштиёқи узоққа чўзилмади.

Дастлаб ҳамкасблари даврасига ўтириб, суҳбатига қулоқ тутди. Тажрибали устозлардан нимадир ўрганаман деган эди. Аммо муаллимлар у ўйлаганидек дарс машғулотлари ҳақида эмас, турмуш тарзи, турли муаммолар ҳақида гаплашишарди. Бирови уйидаги етишмовчилик, яна бири қарзи кўпайиб қолгани, бошқаси соғлиғи ҳақида гурунг берарди. Бу ҳолат деярли ҳар куни давом этарди. Ёш муаллим бир-икки йилда ўзи ҳам дардлашадиган бўлиб қолди. Боиси, энди унинг



оиласи бор. Ўзига яраша ташвиши ортганди. Лекин маоши ойдан ойга етмай, қарздор бўлиб қоларди. Буёғи ҳали ўқув йилидан олдин пахта терими бошланарди. Шу боис, декабрь ойининг ярмига қадар далада сарсону саргардон юришга мажбур эди. Орадан уч-тўрт ой ўтмасдан яна далага ишга бориш керак. Бу ҳолатда устозлар қачон дарс ўтади, болалар қачон ўқийди? Бу саволлар жавобсиз эди.

“Бир пайтлар уч-тўрт ойлаб маошсиз ишладик, — дейди Н.Панжиев. — Топганимиз ўзимиздан ортмай қолди. Аста-секин эркак ўқитувчилар мактабларни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Бошқа илож ҳам йўқ эди. Саноқлигиналари қолди. Тўғриси, анча йиллар таълим-тарбия четга сурилиб, фақат қишлоқ хўжалиги билан овора бўлиб қолдик. Йиғилишларда ҳам фақат пахта, чопиқ, дала тозалаш сўраларди. Мактаб директорлари таълим сифати эмас, дала ишларида фаол иштирок этмагани учун интизомий жазо оларди. Баъзилар шу сабаб ишдан ҳайдалди.

Иқтидорли, ўз фани билимдони бўлган ўқитувчиларнинг билим даражасига эмас, дала ишларидаги иштирокига қараб баҳо берилди. Оқибатда яхши мутахассислар севимли касбини ташлаб кетди. Ўша пайтларда на ўқув хоналарига, на шарт-шароитга эътибор қаратилди. Қишда синф хоналар совуқ, ёзда иссиқ. Дарсликлар етишмасди. Ҳеч ким таълим сифати, самарадорлик ҳақида сўрамади. Ҳатто 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрамини ҳам пахта даласида ўтказишарди.

Очиғи, ўқитувчилик касби йилдан йилга оғирлашиб борди. Кўпчилик яхши эслайди. Илгари банк пластик картасига тушган ойлик маошимизни эмин-эркин ишлата олмасдик. Бозорда терминал, кўчада ҳозиргидек банкомат йўқ эди-да. Ноилож иш ҳақимизнинг 20 фоизини бериб, яна илтимос билан нақд қилиб олардик. Дардингни биров эшитмайди. Машина тугул, янги кийим олишга қурбимиз етмасди. Бугун ўқитувчининг елкасига офтоб тегди дея баралла айтиш мумкин. Ойлиги отнинг калласидек. Ҳар куни бир муаллим машина олади. Янги уй-жой қурмоқда. Турмуши яхшиланди. Оиласига хотиржамлик қайтди. Мисол учун, бизнинг мактабда ҳозир 15 ўқитувчи минг доллар, 4 нафари 2 минг доллардан зиёд маош оляпти. Эссиз ёшлигим, дейман. Буларга ҳавасим келади. Шунча имконият бор, энди фақат ишлаш керак.

Яна бир гап. Бир пайтлар мактабда саноқлигина эркак ўқитувчилар қолганди. Бари турмуш ташвиши билан бошқа ишга ўтиб кетганди. Ёшларга: “Ўқитувчи бўласанми?” десангиз, тескари қараб кетарди. Шукр, бугун йигитлар ўқитувчи бўлиш орзусида олийгоҳларда таҳсил олмоқда. Мактабларда эркак муаллимлар сафи кенгаймоқда”.

Ниёзмуҳаммад муаллим Миришкор туманидаги 20-мактабида 44 йилдан буён ёшларга сабоқ бериб келади. Фидойилиги боис, бир қатор танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритган. Шунингдек, у 2017 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. Айни пайтда ўқувчиларнинг севимли муаллими бўлиш билан бирга жамоасининг малакали устози сифатида ёш ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келмоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Дунёда тобора кескинлашаётган вазият, халқаро транспорт йўлакларидаги хавф-хатарлар, жаҳон энергия бозоридаги беқарорлик давлатларни энергетика сиёсатига янгича нигоҳ билан қарашга мажбур қилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 1 октябрь, 204-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Кун мавзуси

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ТАЪМИНОТИ: истеъмолчиларда танлов имконияти пайдо бўлмоқда

Шу кунларда юртимиз бўйлаб куз-қиш мавсумига ҳозирлик юқори паллага кирган. Аслида, тизим ташкилотлари бу борада йил давомида ишлайди. Совуқ мавсуми яқинлашгач эса аҳолини газ билан узлуксиз таъминлаш, эҳтиёжнинг меъёрдан ортиши ва табиат ҳодисалари билан боғлиқ ҳолатларга тайёргарлик чоралари кучаяди. Мақсад — ҳар бир оила куз-қиш мавсумини иссиқ уйда, газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларсиз ўтказсин.



Маъруфжон ХЎЖАЕВ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси

Юртимизнинг табиий газ тармоқлари етиб бормаган ҳудудларида аҳоли фақат суюлтирилган газдан фойдаланади. Газ баллонларини етказиб бериш яқин йилларгача асосий муаммолардан бири бўлган. Ҳозир ҳам бу борада айрим камчиликлар йўқ эмас.

Ана шу камчиликларни бартараф этиш, аҳолини суюлтирилган газ билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминлаш, хизматларни қулайлаштириш, ресурслардан самарали фойдаланиш бугун тизим олдида турган муҳим масалалардан саналади. Самарадорликни ошириш учун эса замонавий ёндашувлар, илғор технологиялар зарур. Баъзилар “Суюлтирилган газни етказиб бериш учун қандай замонавийлик керак экан, машинага солиб, аҳолига олиб бориб берса бўлди-да”, дейиши мумкин. Бироқ бу хато тушунча. Газ баллонининг хонадонга ўз вақтида етиб бориши ортида ишлаб чиқариш, харид, ташиш, сақлаш, тўлдириш ва тақсимлашдан иборат катта жараён туради. Бу занжирнинг ҳар бир бўғинидаги аниқ ҳисоб ва мувофиқлаштирилган иш эса истеъмолчига кўрсатиладиган хизмат сифатида акс этади.

Айнан шу жараёнларга мутлақо замонавий механизмлар жорий этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 сентябрдаги “Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу вазифаларни амалга оширишнинг янги босқичини белгилаб берди. Қарор билан тармоққа хусусий сектор кириб келяпти, рақамлаштириш кўрсаткичлари ошяпти, суюлтирилган газнинг савдога чиқарилиши ва сотувида янги тартиблар жорий этиляпти. Хуллас, ўзгариш ва янгиликлар кўп ва ҳаммаси аҳолига суюлтирилган газни тез ва сифатли етказиб беришга қаратилган.

Бундан ўн йил олдин аҳолига суюлтирилган газни етказиб бериш у ёқда турсин, ҳатто таъминотни ташкил этиш ва ҳисобини юритишда ҳам тизимли ёндашув йўқ эди. Таъминот жараёнларини тезкор кузатиш ва ҳудудлардаги вазиятни ягона маълумотлар асосида баҳолаш имкониятлари бугунгидек эмасди. Бу жараённи мувофиқлаштиришни қийинлаштирган.

Кейинги йилларда автоматлаштириш, рақамлаштириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳисобига таъминотни бошқариш имкониятлари анча кенгайди. Хусусан, “E-Gaz” дастури орқали газ баллонлари, транспорт, иншоотлар ва истеъмолчиларга оид маълумотларни ҳисобга олиш, ҳисоботларни шакллантириш ҳамда жараёнларни онлайн кузатиш йўлга қўйилди. Бу эса маълумотларни тезкор таҳлил қилиш ва таъминотни ташкил этишда уларга таяниш имконини бермоқда.

Рақамлаштиришнинг аҳамияти фақат маълумотларни электрон шаклга ўтказиш билан чекланмайди. У қаерда қандай эҳтиёж борлигини кўриш, ресурслар ҳаракатини кузатиш ва хизмат кўрсатишдаги камчиликларни аниқлаш учун зарур. Натижада ишни режалаштириш ва ижрони назорат қилишда аниқ маълумотларга асосланган ёндашув кучаймоқда.

2026 йил бошидан юртимизнинг барча ҳудудларида суюлтирилган газ таъминотида Face ID тизими тўлиқ ишга туширилди. Газни қабул қилувчининг шахсини тасдиқлашга хизмат қилувчи ушбу тизим маиший газ баллонларини аҳолига манзилли етказиб бериш, ҳисобнинг ишончлилигини ошириш ва инсон омилини камайтиришда амалий самара бермоқда. “E-Gaz” платформасидаги рақамли ҳисоб ва Face ID орқали тасдиқлаш таъминот жараёни шаффофлигини ошириб, суиистеъмол ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Тизимнинг шаффоф ишлаши бевосита хонадонларга суюлтирилган газ ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини таъминлайди.

Бугунги кунда “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан 3 миллион 730 мингдан ортиқ хонадон ва 3 мингга яқин ижтимоий соҳа объекти суюлтирилган газ билан таъминланмоқда. 2026 йил январь-август ойларида истеъмолчиларга жами 352,1 минг тонна суюлтирилган газ, қўшимча 8,6 мингта маиший газ баллони етказиб берилди. Ушбу жараёнларга 886 та махсус автотранспорт воситаси жалб этилган бўлиб, қўшимча тарзда яна 48 та махсус автотранспорт харид қилиниб, фойдаланишга топширилди.



Бу борада қамров кўлами ортиб бораётгани рост. Аммо таъминотни янада яхшилаш бўйича олдимизда муҳим вазифалар турибди. Айрим ҳудудларда етказиб бериш муддатлари чўзилиши таъминотни янада такомиллаштириш заруратини кўрсатяпти. Самарадорликни ошириш учун рақамли ҳисоб билан бирга ресурсларни харид қилиш, молиялаштириш ва хизмат кўрсатиш механизмларини ҳам ривожлантириш талаб этилади. Қолаверса, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш функцияларини ихтисослаштириш, мазкур фаолиятнинг молиявий шаффофлигини таъминлаш ва бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ҳаётий заруратга айланди. Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарори айнан шу вазифаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этишга қаратилган.

Қарорга мувофиқ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ таъсисчилигида “LPG-Trade” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилмоқда. Компания жорий йил 1 ноябрдан газни биржа орқали харид қилиб, аҳолига етказиб бериш тизимини йўлга қўяди. Янги механизмга кўра, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Lukoil Overseas Supply and Trading Ltd” компанияси ишлаб чиқарадиган суюлтирилган газ тўлиқ ҳажмда товар-хомашё биржаларининг алоҳида савдо майдончасига чиқарилади. Ушбу майдончадаги газ “LPG-Trade” томонидан аҳоли эҳтиёжлари учун харид қилинади.

Бошқа ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи корхоналар ҳам мазкур майдончада ихтиёрий равишда газ сотишлари мумкин. Агар алоҳида савдо майдончасидан харид қилинадиган ҳажм аҳоли эҳтиёжлари учун етарли бўлмаса, “LPG-Trade” биржанинг очиқ савдолари орқали қўшимча газ харид қилади. Бунда компаниянинг ўзига суюлтирилган газни импорт қилишга рухсат берилмайди. Хусусий тадбиркорлик субъектлари эса импорт ҳисобидан ҳам аҳолига газ етказиб беради.

Ушбу ўзгаришларда хонадонларга суюлтирилган газ етказиб бериш устуворлиги сақланади. Қарорда “LPG-Trade”нинг аҳолига давлат томонидан тартибга солинадиган чакана нархларда газ етказиб бериши билан боғлиқ нархлар тафовути ва иқтисодий жиҳатдан асосланган харажатларини республика бюджетидан қоплаш белгиланган. Бу таъминотни молиялаштиришнинг аниқ механизмини шакллантиришга хизмат қилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳам қарорнинг муҳим йўналишидир. Ҳужжатда Вазирлар Маҳкамасига суюлтирилган газнинг чакана нархи, етказиб бериш хизматининг чекланган нархи ҳамда эҳтиёжманд аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам механизмларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиш вазифаси юклатилган. Демак, бозор механизмларини жорий этиш жараёни аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари билан биргаликда олиб борилади.

Хусусий сектор иштирокини кенгайтириш бўйича Андижон вилоятида алоҳида тажриба лойиҳаси йўлга қўйилмоқда. 2026 йил 1 октябрдан “LPG-Trade” фаолияти билан бирга тадбиркорлик субъектлари импорт қилинган суюлтирилган газни маиший баллонларда истеъмолчиларга тўғридан тўғри, эркин нархларда етказиб беришда иштирок этади. Лойиҳада камида иккита оператор фаолият юритиши талаб этилади. Операторлар зарур инфратузилма, моддий-техник база, лицензия ва рухсат ҳужжатларига эга бўлиши, ходимлари эса хавфсиз иш юритиш бўйича ўқитилган ва тегишли синовлардан ўтган бўлиши лозим.

Истеъмолчиларга хизматларни онлайн кўрсатиш учун мобил иловани ишга тушириш белгиланган. Шунингдек, аҳоли жойлашуви ва масофадан келиб чиқиб, хавфсизлик талабларига мос газ баллонларини сақлаш ва сотиш шохобчаларини ташкил этишга рухсат берилади. Бу чоралар истеъмолчи учун танлов ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Хавфсизлик талабларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири. Қарорда газ баллонларини сақлаш ва сотиш шохобчаларини лойиҳалаш, баллонларни ташувчи транспорт воситаларига қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш, маиший баллонларга доир техник талабларни халқаро талабларга мувофиқлаштириш вазифалари белгиланган. Қолаверса, соҳанинг узоқ муддатли ривожи учун халқаро консалтинг компаниялари иштирокида суюлтирилган газ бозорини эркинлаштириш ва “LPG-Trade” активларини хусусийлаштириш стратегиялари ишлаб чиқилади.

Белгиланган вазифалар кўлами кенг. Аммо биз учун ислоҳотларнинг амалий натижаси истеъмолчи олаётган хизматда кўриниши муҳим. “E-Gaz” ва Face ID орқали шаклланган рақамли ҳисоб, янгиланаётган транспорт ва маиший газ баллонлари таъминотни ташкил этиш учун асос бўлмоқда. Энди шу асосни ресурсларни харид қилишнинг янги тартиби, хусусий сектор иштироки ва манзилли давлат ёрдами билан мустаҳкамлаш вазифаси турибди.


Янги тизим тўлиқ ишга тушгач, таъминотда муҳим ўзгаришлар бўлиши табиий. Айнан шу жараёнларда аҳоли таъминоти устуворлигини сақлаш олдимиздаги катта масъулиятдан бири. Ҳар бир ўзгаришни хонадонга газнинг ўз вақтида етиб бориши ва хизмат сифати яхшиланиши билан баҳолашимиз керак. Бугун кўрилаётган чоралар ортида айнан шу мақсад ётибди.

Таҳлил

БИР ЧИРОҚ, БИР ОДАТ, БИР МАМЛАКАТ МАНФААТИ







Бугун давлатларнинг иқтисодий қудрати, инвестициявий жозибадорлиги ва ҳатто миллий хавфсизлиги ҳам энергетика соҳасидаги имкониятлари билан тобора чамбарчас боғланиб бормоқда. Кечагина нефть, газ ёки электр энергияси асосан иқтисодий ресурс сифатида баҳоланган бўлса, бугун улар давлатлар ташқи сиёсати, геосиёсий рақобат ва глобал барқарорликнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди.



Ўролбой ХОЛИҚНАЗАРОВ, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Инсоният тарихида ҳеч қачон бугунгидек кўп энергия ишлаб чиқарилмаган, қайта тикланувчи энергия манбалари бунчалик тез ривожланмаган. Аммо шунга қарамай, энергетика хавфсизлиги масаласи ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб бўлган эмас. Бунинг сабаби ҳам аён. Дунёда тобора кескинлашаётган вазият, халқаро транспорт йўлакларидаги хавф-хатарлар, жаҳон энергия бозоридаги беқарорлик давлатларни энергетика сиёсатига янгича нигоҳ билан қарашга мажбур қилмоқда.

Масала фақат қанча энергия ишлаб чиқаришда эмас. Асосий вазифа — унинг барқарорлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва келажак эҳтиёжлари учун мустаҳкам энергетик пойдевор яратишдир. Зеро, энергетика соҳасидаги ҳар бир оқилона қарор мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, аҳоли фаровонлиги ва саноат тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда мазкур соҳани тубдан ислоҳ қилиш, хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва инфратузилмани модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шу йил 27 июль куни давлатимиз раҳбари раислигида ёқилғи-энергетика тармоғининг келгусидаги устувор вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳада эришилган натижалар танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиб, уни янги босқичга олиб чиқиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, сўнгги ўн йилда энергетика тармоғига 23 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилди. Умумий қуввати 9,5 гигаватт бўлган янги электр станциялари ишга туширилди. Электр ва газ тармоқлари, подстанциялар, трансформаторлар ҳамда газ тақсимлаш инфратузилмасини янгилашга 30 триллион сўм йўналтирилди. Келтирилган рақамлар энергетика соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатнинг бугунги эҳтиёжларини қондириш билан чекланмай, унинг узоқ муддатли энергетика хавфсизлиги ва иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилганини яққол кўрсатади.

Бироқ энергиядан оқилона фойдаланиш маданияти шаклланмаса, энг йирик электр станцияси ҳам, энг замонавий технология ҳам кутилган самарани тўлиқ бермайди. Халқимизда “Ётиб есанг, тоғ ҳам чидамайди” деган ҳикматли гап бор. Бу гап нафақат меҳнатга ундаш маъносида ишлатилади, балки ҳар қандай неъматга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини уқтиради. Зотан, табиий бойликлар ҳам, энергия ресурслари ҳам беҳисоб эмас.

Энергия тежамкорлиги ҳақида гап кетганда, кўпчилик уни фақат ойлик тўловларни камайтириш билан боғлайди. Аслида, бу масаланинг мазмуни анча кенг. Тежалган ҳар бир киловатт-соат электр энергияси ёки ҳар бир куб метр газ мамлакат иқтисодиёти учун қўшимча ресурс демакдир. Шунингдек, янги саноат корхоналари учун имконият, қишлоқ хўжалиги учун барқарор таъминот, аҳоли учун ишончли энергия тизими дегани.

Хўш, энергия қаерда ва қандай исроф бўлади? Бу саволга жавоб излаганда кўпинча катта саноат корхоналари ёки эски инфратузилма ҳақида ўйлаймиз. Албатта, бу омиллар ҳам муҳим. Аммо энергетика тизимининг яна бир муҳим бўғини борки, у ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимиз билан боғлиқ. Бу — хонадонлардаги энергия истеъмоли маданияти.

Тасаввур қилинг: бир маҳаллада юзта хонадон бор. Кечки пайт ҳар бир хонадонда биттадан ортиқча чироқ бир соат ёниб турибди. Ҳеч ким буни катта исроф деб ўйламайди. Чунки бир дона лампанинг сарфи унчалик кўзга ташланмайди. Аммо ана шу оддий ҳолат юзлаб маҳаллаларда, минглаб кўчаларда такрорланса, натижада қанча энергия беҳуда сарфланаётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ёки бошқа бир мисол. Ёзнинг иссиқ кунларида кондиционер хона совитиш учун ишлаяпти. Аммо эшик ёки дераза очиқ қолган. Совуқ ҳаво хонада сақланмайди. Қурилма эса керакли ҳароратни ушлаш учун янада кўп ишлашга мажбур бўлади. Юқоридаги ҳолат ҳам бир қарашда оддий кўринади, аммо энергия тизимидаги самарадорлик айнан шундай кичик омиллардан шаклланади.

Ривожланган мамлакатларда энергия тежамкорлиги давлат сиёсати билан бирга аҳоли маданиятининг муҳим қисмига айланган. Масалан, Европа давлатларида биноларнинг иссиқлик самарадорлигига катта эътибор қаратилади: дераза ва эшикларнинг зичлиги, деворларнинг иссиқликни сақлаш хусусияти, энергия тежамкор маиший техникадан фойдаланиш кенг тарғиб қилинади. Японияда эса энергияни тежаш нафақат иқтисодий зарурат, балки кундалик интизом ва масъулият сифатида қабул қилинади.

Бу тажрибалар бир ҳақиқатни кўрсатади: энергетика барқарорлиги фақат электр станциялари ва газ қувурлари билан чекланмайди. У инсоннинг муносабати, одати ва масъулияти билан ҳам белгиланади. Мутахассислар бежиз “Энг арзон энергия — тежалган энергия”, деб айтмайди. Чунки янги электр станцияси қуриш учун миллиардлаб доллар маблағ, йиллаб вақт ва катта меҳнат талаб этилади. Лекин бор энергияни тежаш учун кўп ҳолларда оддий одатларни ўзгартиришнинг ўзи кифоя.

Энергия тежамкорлиги замонавий технологиялардан фойдаланиш билан ҳам боғлиқ. Бугун лед лампалар, энергия самарадор маиший техникалар, “ақлли” ҳисоблагичлар ва автоматик бошқарув тизимлари кенг жорий этилмоқда. Бир қарашда уларнинг нархи баландроқ туюлиши мумкин. Аммо вақт ўтиши билан улар кам энергия сарфлаши ҳисобига ўзини тўлиқ оқлайди.

Айниқса, Ўзбекистон каби қуёшли мамлакатда қайта тикланувчи энергия манбаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Қуёш панеллари ва қуёш сув иситкичлари нафақат электр ва газ сарфини камайтиради, балки аҳолининг энергия мустақиллигини ҳам мустаҳкамлайди. Бугун бундай технологиялар ҳаётимизга кириб келаётган реал ечимдир.

Бироқ технологиянинг ўзи етарли эмас. Уни тўғри ишлатиш маданияти ҳам бўлиши керак. Энергия тежамкор лампа ўрнатиб, уни кун бўйи бесамар ёқиб қўйишдан фойда йўқ. Энергия самарадор кондиционерни эшик-дераза очиқ ҳолда ишлатиш ҳам кутилган натижани бермайди. Демак, технология ва маданият бир-бирини тўлдириши лозим.



“Қуш уясида кўрганини қилади”, дейди халқимиз. Фарзанд ота-онасининг чироқни вақтида ўчиргани, сувни беҳуда оқизмаслиги, газдан эҳтиёткорлик билан фойдаланишини кўриб улғайса, бу одат унинг ҳаёт тарзига айланади. Шу маънода, энергия тежаш иқтисодий тушунчагина эмас, тарбия масаласи ҳамдир.

Бугун мамлакатимизда энергетика соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор энергия билан таъминлашдир. Аммо унга эришишда ҳар бир фуқаронинг иштироки муҳим. Давлат янги қувватлар яратади, инфратузилмани модернизация қилади. Фуқаро эса ресурсни қадрлайди, исрофга йўл қўймайди. Ана шунда ҳақиқий самарага эришилади. Уйдан чиқишда чироқни ўчириш, кераксиз электр жиҳозларини тармоқдан узиш, сувни тежаб ишлатиш, дераза ва эшикларни зичлаш, энергия самарадор техникани танлаш каби ишлар арзимасдек кўринади. Аммо миллионлаб инсонлар шу оддий қоидаларга амал қилса, натижа бутун мамлакат миқёсида намоён бўлади.

Бугун энергетика соҳасидаги энг катта бойлик фақат нефть ёки газ эмас. Энг катта бойлик энергияга нисбатан шаклланган онгли муносабатдир. Ресурсни қадрлайдиган жамият унинг қадрига етади, тежайди ва келажак авлод учун ҳам асраб қолади. Энергетика соҳасидаги ислоҳотлар давлатнинг вазифаси бўлса, энергия тежамкорлиги ҳар биримизнинг кундалик масъулиятимиз. Бугун тежалган ҳар бир киловатт-соат эртанги тараққиёт учун хизмат қилади. Зеро, барқарор энергетика фақат янги электр станциялари билан эмас, балки ҳар бир хонадонда шаклланган тежамкорлик маданияти билан барпо этилади.



1 октябрь —

Ўқитувчи ва мураббийлар куни

ЯНГИ АВЛОД МУАЛЛИМЛАРИ

ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Аслида, давра суҳбатимизни “Яхши ўқитувчи қандай бўлиши керак?” деган мавзуда ўтказмоқчи эдик. Бироқ биз шу пайтга қадар назарда тутиб келган яхши ўқитувчи — асосан, кучли билимга эгалик бугун етарли эмаслигини таълимдаги шиддатли силжишлар кўрсатиб турибди. Глобаллашув даврида устоз ўзгармаса, таълим тизими ўзгармаслиги, келажак устозига энг катта хавф эскича фикрлаш экани ўқитувчиларнинг бутунлай янги авлоди шаклланишини тақозо этмоқда. Шу маънода, аввало, замонавий ўқитувчи шахсига тўхталамиз. Шунингдек, янги авлод устози сифатида шаклланиш учун нималар қилишимиз лозим, бунда қайси жиҳатлар бирламчи ўрин тутади, бугунги устоз кечагидан қандай фарқланиши керак деган саволларга жавоб излаймиз.



Султон НОРМАТОВ,
Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти масъули:



— Ҳақиқатан, бугун бутунлай янги авлод устозлари шаклланяпти. Зеро, ахборот оқими, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ҳаётимизга жадал кириб келаётган бир пайтда ўқитувчининг роли ҳам ўзгариб боряпти. Бугунги мактаб кечаги мактабдан, бугунги ўқувчи эса кечаги ўқувчидан тубдан фарқ қилади. Шундай экан, янги авлод устози деганда қандай шахсни тасаввур қилишимиз керак?

Янги авлод устози бу — фақат ўз фанини яхши биладиган мутахассис эмас. У ўқувчини тушунадиган, қизиқиши ва имкониятларини кўра оладиган, мустақил фикрлашга ундайдиган шахс. Шу билан бирга, ўзи ҳам доимий равишда ўрганиб борадиган, педагогик тилда айтганда, “ҳаёт давомида таълим” оладиган ўқитувчидир.

Бугун ўқувчи исталган маълумотни интернет ёки сунъий интеллект воситалари орқали бир неча сонияда топиши мумкин. Шундай шароитда ўқитувчининг вазифаси тайёр маълумотни етказишдан кўра, ўқувчини шу маълумотни излаш, текшириш, таҳлил қилиш ва ундан тўғри фойдаланишга ўргатиш билан боғлиқ бўлиб бормоқда.

Шу сабабли ўқитувчининг ўз фанини мукаммал билиши жуда муҳим бўлса-да, бунинг ўзи етарли эмас. Фанга оид билимлар педагогик маҳорат, рақамли компетенция, танқидий фикрлаш, коммуникатив қобилият ва рефлекция билан уйғунлашиши керак. Масалан, математика ўқитувчисининг математикани яхши билиши табиий. Аммо у ўқувчида математик фикрлашни шакллантира оладими? Информатика ўқитувчиси дастурлашни билиши мумкин. Лекин у ўқувчини алгоритмик фикрлашга ўргата оладими? Янги авлод устозининг касбий даражаси айнан шундай саволлар орқали намоён бўлади. Ёдлаш, эслаб қолиш эмас, балки ҳаётда қўллай олишга имкон берувчи амалий кўникма ва компетенцияларни шакллантириш муҳим ва бунга ўқитувчи тайёр бўлиши лозим.

Камола АБРОРХОНОВА,
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети кафедра мудири, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори:

— Тўғри, бугунги ўқитувчи олдидаги энг катта хавфлардан бири айнан эскича фикрлаш. Афсуски, янгиликни қабул қилмаслик, ўзгаришдан қўрқиш, ўқувчининг дунёси ўзгарганини тан олмаслик ва “бизнинг давримизда бундай эди” деган қараш билан ишлаш бугун аксар мактабларда кузатилади. Аслида эса таълим — доимий ҳаракатдаги тизим. Бугун самарали бўлган метод эртага ўша натижани бермаслиги мумкин. Шу сабабли устоз ҳам ўқувчиси каби умр бўйи ўрганиши керак. У янги педагогик технологияларни ўзлаштириши, рақамли воситалардан фойдаланиши, сунъий интеллект имкониятларини билиши, энг муҳими, ўқувчининг замонавий дунёсини тушунишга ҳаракат қилиши зарур.



Мен учун янги авлод устози ҳар бир ўқувчида имконият кўра оладиган устоз. У аълочи боланинг ютуғидан қувонади, лекин фақат кучли ўқувчига эътибор қаратиб қолмайди. Дарсда жим ўтирган, ўзига ишонмаётган, “мен уддалай олмайман”, деб ўйлаётган болани ҳам кўра олади. Аслида, барча бола иқтидорли, барча бола қобилиятли, фақат баъзан бир оғиз “сен уддалайсан” деган сўз бола ҳаётини буткул ўзгартириб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳақиқий устознинг натижасини фақат бугунги баҳолар билан ўлчаб бўлмайди. Балки унинг ҳақиқий натижаси йиллар ўтиб намоён бўлади. Хусусан, ўқувчиси мустақил фикрлаганда, тўғри қарор қабул қилганда, олган билимини ҳаётда қўллаганда ва бир кун “устозим менга ишонган эди”, деб эслаганда.

Янги авлод устози, шунингдек, фанни ўқувчи учун ҳаётий маънога айлантириб бера оладиган, технологиядан фойдаланадиган эмас, технологияни таълим мақсадига бўйсундира оладиган, дарс ўтадиган эмас, ўқувчи келажагига таъсир қила оладиган шахсдир. Устоз синфга шунчаки бир соатлик дарс учун кирмайди. У келажак авлоднинг дунёқарашини ўстириш, орзуларига қанот бериш учун ҳам киради. Бунинг учун замонавий қурилмалардан фойдаланиш ёки янги методларни билишнинг ўзи кифоя эмас. Бу, аввало, ўзини ҳам ҳар куни янгилашга тайёр бўлишдир. Келажакни ўзгартириш учун таълимни ўзгартириш керак. Таълимни ўзгартириш учун эса, аввало, устознинг ўзи ўзгаришга тайёр турмоғи лозим.



Шарофиддин ҲУСАНОВ,
Фарғона шаҳридаги 5-мактаб директори:

— Бугунги ўқитувчи қандай бўлиши ҳақида гап кетганида, ўзим мисолимда тўхталиб ўтсам. Зеро, директорлик ҳам, аввало, педагоглик. Педагог эса ортидан болаларни эргаштира олиш қобилиятига эга бўлган шахс. Шундай экан, болалар мактаб раҳбарини кўрганида қўрқиб қочмасин, балки олдига югуриб келиб, ундан меҳр олсин, ота-онасига айта олмаётган гапларини айтсин. Синф раҳбари, фан ўқитувчилари ҳам худди шундай бўлиши керак.



Албатта, бунга эришиш осон эмас. Мендан сўрашади: қандай қилиб ҳамма ўқувчи билан саломлашасиз, барча ўқувчингизнинг исм-шарифини биласиз, яна ҳар куни синфларга киришга вақт топасиз?

Тўғри, ҳар кун эрталаб мактаб остонасида болаларни кутиб олиш одатимни ўзим шакллантирдим, бироқ ҳозирга келиб ўқувчиларнинг ўзи саломлашиш учун олдимга келади. Кўнглига ёқадиган гапларни гапириб ёки болаларча ҳазиллашиб қўйсам, хурсанд бўлиб кетади.

Замонавий ўқитиш услубига келадиган бўлсак, эндиликда болаларни дарсларга янги, инновацион усуллар билангина жалб қила оламиз дейиляпти, бунга қўшиламан. Болалардан ўрганишни ҳам билишимиз керак, масалан, сунъий интеллектдан фойдаланиш борасида. Ўқувчидан нималарнидир ўрганиш орқали унга ўз устида ишлашига катта туртки бера оламиз. Зеро, бола ўқитувчим сўраб қолиши мумкин деган масъулият билан илмга доир дастурларни, янгиликларни ҳам ўрганишга интилади. Шу тариқа ўзига ишонч, жамиятда ўрни борлигини англаш туйғуси ҳам шаклланади.

Ҳар қайси даврда бола психологиясини билиш, шунга асосланиб у билан мулоқот қила олиш педагогнинг энг катта ютуғи бўлган. Тилини топдингизми, бола ўз-ўзидан сизга эргашади. Сизни орзусидаги шахс сифатида кўра бошлайди. Шу орқали уни таълимдаги ҳар қандай янгилик сари етаклаш мумкин.

Қўчқорвой ОРТИҚОВ,
Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 21-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси:

— Педагог, аввало, фаолиятининг туб моҳиятини, яъни бола етакловчи эканини англаб етиши керак. Ўқитувчининг ўзи болани қаёққа етаклаётганини билмаса, билган тақдирда ҳам болада ўша йўлда юриш учун қобилият бор-йўқлигини илғай олмаса, муаммолар келиб чиқаверади соҳада. Зеро, ҳозир болани дарсга жалб қилиб олиш бирламчи масалага айланган, чунки болалар тарбиясида аввалгига нисбатан бўйсунувчанлик кам. Ваҳоланки, бола эшитмаса, бирор нарсани тушунмайди. Қолаверса, бугун болага қабул қилишига қараб билим бериш керак бўляпти.

Ўқувчи диққат билан тинглаши учун ўқитувчида нотиқлик ҳам кучли бўлиши керак. Қолаверса, ўқувчи яхши ўқиши учун ўқитувчи ота-она билан ҳам узвий боғлиқликда бўлиши, боланинг руҳиятини ҳам яхши билиши талаб қилинади. Бунинг учун имкон қадар бола билан индивидуал ишлашга йўл топиш лозим. 30 ўқувчида 30 хил характер. Бежиз фанда инсонларнинг хулқ-атвори тўрт турга бўлиб ўрганилмаган. Бола билан шундан келиб чиққан ҳолда ишланса, мақсадга етиш осонроқ кўчади. Ўзининг фанини зўр билган ўқитувчи зўр натижага эришади дейиш шу маънода



нотўғри бўлиб қолади. Ўқувчи қачонки қаршисидаги ўқитувчини ўзининг идеалидаги одам деб тасаввур қилсагина, унинг гапига қулоқ солади ва шунда натижа бўлади. Устоз тарбияловчи бўлгани учун ҳам ўзи тарбияга муҳтож бўлмаслиги, ҳам таълимий, ҳам тарбиявий томондан ўрнак бўла олмоғи шарт. Бинобарин, тарбия билан билим худди қушнинг иккита қанотига ўхшайди. Тарбиясиз одамда билим, билимсиз одамда тарбия шаклангани билан манфаатли бўлмайди.

Камола АБРОРХОНОВА:

— Аслида, устоз бўлиш қийин эмас, аммо синфдаги 30 та қоракўзга бирдек ёқиш, кўнглининг тубига кириб бориш, бир хил мавзуни бирдек етказиш — катта маҳорат.

Баъзан бирор мавзуни жуда яхши тушунтирдим деб ўйлашимиз мумкин. Ўзимиздан кўнглимиз тўлиши ҳам табиий. Мен бунга қарши эмасман. Лекин дарснинг ҳақиқий натижаси устознинг “қанчалик яхши тушунтиргани” билан эмас, ўқувчининг қанчалик англагани билан ўлчанади. Бугун тушунтирилган бир фикр ўқувчининг хотирасида йиллар давомида қолса, керакли вазиятда уни ҳаётида қўллай олса, устоз меҳнатининг энг катта натижаси мана шу. Шу маънода, назаримда, устознинг масъулияти диплом берилган кундан эмас, ўқувчининг ҳаётига таъсир қилган кундан бошланади.

Бу ерда яна бир муҳим масала бор. Ҳар йили педагогик йўналишларда минглаб ёшлар мутахассис сифатида тайёрланади. Аммо олий таълимни тамомлаган ҳар бир педагогнинг айнан мактабга бориб, узоқ йиллар ўз мутахассислиги бўйича ишлаши ҳақида Ўзбекистон миқёсида ягона, мунтазам очиқ статистика ҳали мавжуд эмас. Бу эса, менимча, алоҳида ўрганилиши керак бўлган масала. Чунки биз фақат “қанча педагог тайёрладик?” деган савол билан чекланмаслигимиз керак. “Уларнинг қанчаси касбида қолди?”, “Нега айримлари бошқа соҳага кетди?”, “Ёш педагогни мактабда ушлаб қолиш учун нималар қилиш керак?” деган саволлар ҳам берилиши лозим.

Айни пайтда умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ўқитувчилар сони сезиларли даражада ортгани ҳам таълим тизимида педагогларга эҳтиёж юқори эканини кўрсатади. Аммо миқдор ортиши билан бирга сифат масаласи ҳам доимо кун тартибида туриши керак. Ҳозирги болалар ахборот асрида улғаймоқда. Улар маълумотни устоздан кутиб ўтирадиган авлод эмас. Улар савол беради, таққослайди, интернетдан излайди, сунъий интеллектдан фойдаланади, ўз фикрини билдиради. Демак, устоз ҳам шундай муҳитда ўз ўрнини қайта англаб олиши керак. Агар педагог “мен устозман, шунинг учун фақат мен биламан” деган қарашда қолса, бугунги бола билан ўртадаги масофа тобора катталашади. Аксинча, “мен ҳам ҳар куни ўрганаман”, дея олган устоз ўқувчиси билан бирга ривожланади.

Султон НОРМАТОВ:

— Замонавий ўқитувчи ҳақида гап кетганида, аввало, эскича фикрлашдан йироқлик кўзда тутилар экан, бунда эски методлардан фойдаланишни тушунмаслик керак. Эскича фикрлаш ўқувчини фақат тингловчи, ўқитувчини эса барча саволларга тайёр жавоб берувчи шахс сифатида кўришдир. Замонавий таълим эса ўқувчининг савол беришини, баҳслашишини, хато қилса, мустақил хулоса чиқаришини талаб қилмоқда.

Айниқса, сунъий интеллект даврида бу масала янада долзарб аҳамият касб этади. Сунъий интеллект ўқувчига кўплаб саволларга жавоб топишда ёрдам бериши мумкин. Аммо жавобнинг қанчалик тўғри эканини баҳолаш, манбасини текшириш, ундаги хатони аниқлаш ва технологиядан фойдаланиш масаласида ўқитувчининг роли беқиёс. Демак, технологиялар ривожланган сари устознинг аҳамияти камаймайди, аксинча, унинг вазифаси янада мазмунли ва мураккаб тус олади.

А.Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институтида ҳам педагогнинг айнан шундай янги қирраларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги малака оширишни фақат маъруза тинглаш ва маълумот олиш жараёни эмас, балки педагогнинг амалий компетенциясини ривожлантириш воситаси сифатида кўриш муҳим. Шу боис, ўқитувчининг замонавий педагогик технологиялар, рақамли воситалар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва уни маҳаллий таълим амалиётига мослаштириш йўналишларида ишланмоқда.

Бугунги кунда малака оширишнинг моҳияти ҳам ўзгариши керак. “Тингла ва эслаб қол” тамойилидан “ўрган, амалда синаб кўр, таҳлил қил ва такомиллаштир” тамойилига ўтиш зарур ва бу реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Чунки педагогнинг касбий ривожи курсни тугатгани эмас, ўрганган педагогик, методик билим ва кўникмаларини ўз дарсида қўллай олиши билан белгиланади.

Мен янги авлод устозини энг кўп маълумот берадиган ўқитувчи эмас, балки энг кўп мустақил фикрлайдиган ўқувчини тарбиялай оладиган педагог сифатида тасаввур қиламан. Унинг дарсидан чиққан бола “Мен буни ўзим ҳам текшириб кўраман”, “Бунинг бошқа ечими борми?”, “Нега айнан шундай?” деган саволларни беришни бошлайди.

Технологиялар ўзгаради, янги платформалар ва сунъий интеллект воситалари пайдо бўлади. Аммо болага уни тушунадиган, илҳомлантира оладиган ва ўзига ишонч берадиган устоз ҳар доим керак бўлади. Шунинг учун янги авлод устози, аввало, ўзгаришдан қўрқмайдиган, ўзи ўрганишни тўхтатмайдиган ва ўқувчисини ҳам ўрганишга илҳомлантира оладиган устоздир.

Назаримда, бугунги мактабга шунчаки янги технологияларни биладиган педагог эмас, янгича фикрлайдиган, ўзгаришдан қўрқмайдиган, ўқувчиларни ҳис қилган ҳолда уларни илҳомлантирадиган устозлар керак.

Қўчқорвой ОРТИҚОВ:

— Ҳа, бугун сезиларли даражадаги ютуқларга эришиш осон эмас. Нажот фақат таълимда экан, инсонларнинг соғлом турмуш тарзи ҳам таълим билан шаклланади. Бугун жамиятимиз шундай хулосаларга эътибор қаратиши ҳар қачонгидан ҳам зарур. Энди фақат натижага ишлашимиз керак. Бунинг учун бугун барча шароитлар, энг асосийси, эътибор керагидан ортиқ. Биргина исбот. Олимпиада ғолиблари миллиардерга айланганини шу пайтгача кўрган эдикми? Яқин-яқинларда ҳам илм-фанга нега спортчалик эътибор берилмайди деб юргандик-ку! Бугунга келиб илм ҳар нарсадан устун, бебаҳо бойлик экани ва шунинг учун юксак қадр топишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бутун бир халқ, ота-оналар илм учун сармоя киритаётгани бежиз эмас. Улар асло адашмайди. Биздан эса фақат ва фақат ўқиш, ўрганиш, ўз устимизда ишлаш, ўрганганларимизни амалиётда тўғри қўллай билиш талаб қилиняпти. Мана шу йўлда собит тура олиш эса Учинчи Ренессансга ҳисса қўшадиган бунёдкор авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

* * *

Ҳа, бугуннинг ўқитувчиси бўлиш ҳам шараф, ҳам машаққат. Шарафлилиги шундаки, ўқитувчи касбининг обрўси ҳар қачонгидан ортди. Устозни улуғлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Машаққатли томони эса — ҳурматга яраша меҳнат қила олишда. Аслида, бу ҳам бир шараф. Зеро, ҳар қанча меҳнат қилса ҳам қадр топмаган ҳар бир куни бугуннинг устозлари учун аччиқ ҳақиқат. Шу маънода, ўзига билдирилаётган ишончни сидқидилдан оқлаш, касбига садоқат сақлаш масъулияти янги авлод устозига фақат куч ва ғайрат беради.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳар бир миллатнинг келажагини унинг мактаблари, илм даргоҳлари ва устозларига муносабатига қараб баҳолаш мумкин. Чунки бугун аудиторияда, синфхонада ёки таълим муассасасида ўтирган ёшлар эртанги куннинг бунёдкорларидир.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Нурли манзиллар





Бобур БОБОМУРОД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Азиз устоз

Карвонларни бошлаб борган сарбон каби,
Эшикларни очиб берган дарбон каби,
Ким бор яна сиз фидойи инсон каби.
Шогирд борки, ҳаётида сиздан пардоз,
Борингизга шукр деймиз, азиз Устоз!

“Лола бўлгим” келар дейди қизғалдоқлар,
Булоқларни дарё айлар баланд тоғлар,
Безар экан юзни ажин, сочни оқлар.
Меҳнатингиз, заҳматингиз эмасдир оз,
Борингизга шукр деймиз, азиз Устоз!

Одам аро одамийлик ўрнатгансиз,
Оқ-қорани ажратмоқни ўргатгансиз,
Қанча камтар пойгакларни тўрлатгансиз.
Орзуларга берган қанот, берган парвоз,
Борингизга шукр деймиз, азиз Устоз!

Берунийлар, Навоийлар, Чўлпонларни...
Ўқитгансиз, фидо айлаб сиз жонларни,
Миллат учун яратасиз имконларни.
Илму одоб сиз туфайли эрур мумтоз,
Борингизга шукр деймиз, азиз Устоз!

Дунё асли ўзингиздан дунёланар,
Меҳр тўла кўзингиздан зиёланар,
Маъно сочган сўзингиздан ороланар.
Сизга мудом эҳтирому, шону эъзоз,
Борингизга шукр деймиз, азиз Устоз!

ИЛМ ЗИЁСИН ТАРАТГУВЧИ ЗОТ

Инсон ҳаётида шундай улуғ зотлар борки, уларнинг номи қалбимизда бир умрга муҳрланади. Бизга илк бор ҳарф танитган, қўлимиздан тутган, илм эшикларини очган, яхши-ёмонни англашга, ҳаётда ўз ўрнимизни топишга йўл кўрсатган ана шундай азиз инсонлар устоз ва мураббийлардир.

Ҳар йили 1 октябрь юртимизда Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланади. Зеро, жамиятнинг эртанги куни, мамлакатнинг тараққиёти, халқнинг маънавий қиёфаси, аввало, устозларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Бугун мактаб остонасида таълим олаётган фарзанд эртага оила бошлиғи, мутахассис, раҳбар, олим ёки жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Унинг дунёқараши, одоби, билими ва инсонларга муносабати шаклланишида эса устознинг ўрни беқиёс.

Устозлик шунчаки касб эмас. У инсон қалбига йўл топиш, илм ва маърифат нурини улашиш, эзгуликка йўллаш каби юксак масъулиятдир. Ислом дини ҳам илм-маърифатга юксак мақом берган. Қуръони каримнинг илк нозил бўлган оятларидаёқ инсон ўқиш, билиш ва тафаккур қилишга даъват этилгани бежиз эмас. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!”**

(Зумар сураси, 9-оят).

Бошқа оятда эса: **“Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни юксак (даража) мартабаларга кўтарур”** деб марҳамат қилинади

(Мужодала сураси, 11-оят).

Демак, илм инсонни юксалтирувчи, жамиятни тараққий эттирувчи, қалбни маърифат билан ёритувчи буюк неъматдир. Ана шу неъматни авлоддан авлодга етказишда устозларнинг хизмати беқиёс.

Устоз болага фақат китобдаги маълумотни ўргатмайди. У ҳаёт сабоғини беради. Вақтни қадрлаш, меҳнат, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш, Ватанга садоқат, инсонларга яхшилик қилишни ўргатади. Шу боис, халқимиз “Устоз отангдек улуғ” деб айтган.

Аслида, инсоннинг комиллиги унинг қанча нарсани билиши билангина эмас, балки билганларини ҳаётга қанчалик татбиқ эта олиши билан ҳам белгиланади. Бу борада мураббийнинг ўрни, айниқса, муҳим. Чунки ҳақиқий мураббий илм билан ахлоқни, таълим билан тарбияни, билим билан масъулиятни бир-бирига уйғунлаштиради.



Буюк аждодларимиз ҳаётига назар ташласак, уларнинг илм олиш йўлида устозларига кўрсатган эҳтиромига гувоҳ бўламиз. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби улуғ алломалар камолоти ортида улкан меҳнат, машаққат ва устозлардан олинган таълим-тарбия бор.

Илм аҳли устоз олдида одобни илмнинг бир қисми деб билган. Зеро, устозга ҳурмат аслида илмга ҳурматдир. Илмга ҳурмат эса инсонни камолот сари етаклайди.

Бугун ҳам фарзандларимизга шу тушунчани сингдиришимиз зарур: устозни ҳурмат қилиш фақат байрам кунида табриклаш ёки совға бериш билан чекланмайди. Устознинг меҳнатини қадрлаш, насиҳатларига қулоқ тутиш, дарсларни пухта ўзлаштириш, яхши хулқ ва одоб билан устоз ишончини оқлаш энг катта эҳтиромдир.

Фарзандига таълим бераётган ўқитувчини ҳурмат қилган ота-она ҳам, устозининг меҳнатини қадрлаган ўқувчи ҳам аслида жамиятнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Таълим ва тарбия бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Билимли, аммо одобсиз инсоннинг билими жамиятга кутилган фойдани бермаслиги мумкин. Шунинг учун маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деб бежиз айтмаган.



Абдуқаҳҳор домла ЮНУСОВ,
Тошкент шаҳри
бош имом-хатиби

Мураббийнинг вазифаси ана шу нуқтада янада ойдинлашади. У ёш авлод қалбига эзгулик уруғини қадайди. Бугун айтилган бир оғиз самимий насиҳат, ўз вақтида билдирилган бир яхши фикр, меҳр билан қилинган бир танбеҳ баъзан инсон тақдирини бутунлай ўзгартириши мумкин.

Айниқса, бугунги ахборот асрида ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш, онгида соғлом дунёқарашни шакллантириш, илм ва маърифатга муҳаббат уйғотиш ҳар бир устоз ва мураббийнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Ҳар бир миллатнинг келажагини унинг мактаблари, илм даргоҳлари ва устозларига муносабатига қараб баҳолаш мумкин. Чунки бугун аудиторияда, синфхонада ёки таълим муассасасида ўтирган ёшлар эртанги куннинг бунёдкорларидир.

Уларнинг қалбига қандай ғоя сингдирилса, келажак ҳам шунга яраша шаклланади. Агар ёш авлод илмга чанқоқ, Ватанга садоқатли, ота-онага меҳрибон, устозга ҳурматли, ҳалол ва масъулиятли бўлиб камол топса, жамиятнинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни илмни улуғлайдиган, устозни қадрлайдиган, ота-онага яхшилик қиладиган ва жамиятга, Ватанга манфаат келтирадиган солиҳ инсонлардан қилсин!



Президентимиз 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолибларига йўллаган табригида ёш шахматчиларимизга “ўғлим”, “қизим”, “болам”, дея мурожаат қилганини ўқиб бир қувонган бўлсам, куни кеча Кўксарой қароргоҳида ғолиб ва совриндорлар, уларнинг мураббий ва ота-оналари билан учрашувини кўриб, эл қатори димоғим чоғ бўлди, қалбим ғурурга тўлди.



ИСТЕЪДОДЛАР ҚАДРЛАНГАН ЮРТДА ҒАЛАБАЛАР БАРДАВОМ

Ҳусан КАРВОНЛИ,
журналист

Шахматчиларимиз, уларнинг ота-оналари, мураббийлари, умуман, шахмат мутахассислари бир гапни, ҳақ гапни кўп таъкидлаяпти: “Шахматга, шахматчиларга муносабат, эътибор ҳеч қачон бугунгидек юқори даражада бўлмаган!”. Президентимизнинг “Нуфузли халқаро шахмат мусобақалари ғолиблари ва совриндорлари ҳамда уларнинг тренерларини муносиб рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунга ёрқин мисол.

Ҳужжатга мувофиқ, шахматчиларимиз ва мураббийлари катта миқдордаги пул мукофоти билан тақдирланиши белгилаб қўйилган. Кўксаройда бўлиб ўтган учрашувда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиблари 200 минг, мураббийлари эса 50 минг АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди. Олимпиадада бронза медални қўлга киритган парашахматчиларимиз ҳам қарор иловасида белгиланган пул мукофотини қабул қилиб олди. Олимпиадада ғалаба қозонган, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ёшларнинг кўпига давлат мукофотлари топширилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, Президентимиз томонидан чемпионларга уй ва машина ҳам совға қилинди.

Шахматчиларга бундай эътибор ва эътироф нафақат бизни, балки дунёдаги бутун шахмат мутахассисларини ҳайратлантирмоқда. Халқаро нашрлар, ижтимоий тармоқларга бир қур назар ташласангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Ҳатто Ҳикару Накамура каби жаҳоннинг машҳур шахматчилари ҳам юртдошларимиз муносиб кўрилган мукофотларга ҳавас билан қарамоқда. Жаҳон шахмат жамоатчилиги орасида Ўзбекистонда шахматнинг кескин ривожланишида сўнгги йилларда давлат томонидан соҳага қаратилаётган эътиборнинг ўрни катта экани бот-бот таъкидланади. Юртимиз тажрибаси бошқа давлатларга ўрнак сифатида кўрсатилади. Бир томондан шахмат орқали дунё ҳамжамияти янги Ўзбекистондаги ривожланиш, ўзгаришларга ҳам гувоҳ бўлмоқда.

Шахмат мавзусида анчадан бери, аниқроғи, 2012 йили Нодирбек Абдусатторов жаҳон чемпиони бўлганидан буён ёзаман. 2022 йили “Ўзбек шахматининг олтин авлоди” китобим нашрдан чиққан. 2012 йилдан буёғига истеъдодли шахматчиларимизнинг ҳар бир ютуғи, муваффақиятига замин тайёрлаган мураббийлари, ота-оналари меҳнатини баён қилиб келаман. Уларнинг бу ютуқларга эришиши, албатта, осон бўлмаган. Олтин авлоднинг ютуқлари билан бирга тизимдаги муаммоларни ҳам кўп бор қаламга олганман.

Уларда Ўзбекистонда халқаро шахмат мусобақалари камлиги, ўша пайтдаги Шахмат федерацияси мутасаддиларининг ёш истеъдодлар тақдирига бефарқлиги, шахматчиларнинг ота-оналари чеккан машаққатлар, умуман, истеъдодли шахматчиларни қўллаб-қувватлаш тизимли йўлга қўйилмагани масалалари кўтарилган.

Мана энди Президентимизнинг иродаси билан бундай тўсиқларга барҳам берилмоқда. Охирги йилларда мамлакатимизда халқаро мусобақалар кескин кўпайгани, уларнинг ғолиб ва совриндорлари ва мураббийларини муносиб рағбатлантириш тизимли йўлга қўйилгани муваффақиятлар сони ва даражаси ортишига сабаб бўлмоқда. 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва парашахмат олимпиадасидаги улкан муваффақият бунинг ёрқин далилидир.

Янги Ўзбекистон шахматининг олтин авлоди ўз ютуқлари билан бунга муносиб жавоб қайтаришига ишонаман. Бугунги ғалабалар — эртанги улкан зафарларнинг дебочаси. Ўзбек шахматининг олтин авлоди ҳали кўплаб тарихий натижаларни қайд этади. Бугун ёш шахматчиларимизга кўрсатилаётган эътибор эртага янги чемпионлар, янги жаҳон рекордлари ва янги тарихий ғалабалар бўлиб қайтади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 01:57 Топширилди — 02:05